

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
ИЖТИМОЙИ-МАЪНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

МАНСУР МУСАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН – ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2022

УЎК: 316.422(575.1)
КБК: 60.56(5Ў)
М 90

М 90

Мусаев, М.

Ўзбекистон – инсон қадрлари улуғланган юрт
[Матн] / М.Мусаев. – Тошкент: «Маънавият»,
2022. – 40 б.

ISBN 978-9943-04-452-4

М а с ъ у л м у х а р р и р:

*Олимжон Давлатов – Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтининг директори*

Т а к р и з ч и л а р:

*Тарих фанлари номзоди, доцент Бўри Қодиров,
Фалсафа доктори (PhD) Илҳом Суванов*

Мазкур рисолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» китобининг «Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш» бешинчи йўналиши доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар замирида Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажариш, «Инсон қадрлари учун» деган устувор тамойилни тўла рўйбга чиқариш, инсон ва унинг бахт-саодатига ҳизмат қилиш, халқ манфаатлари ҳақида ғамхўрлик қилиш инсонпарварликнинг асосий мезонига айланиб бораётганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

Рисола маънавият тарғиботчилари ва тадқиқотчилар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-04-452-4

© «Маънавият», 2022



КИРИШ

Инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечирishiни, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз.

Шавкат Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ислохотлар ўзининг кўлами, шиддати ҳамда кенг қамрови билан нафақат юртдошларимизни балки, хорижлик сиёсатчи ва мутахассисларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.

Ўтган тарихан қисқа даврда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган янгиланиш ва ислохотлар ҳақида сўз кетганда жаҳон ҳамжамияти томонидан юртимизга нисбатан «Янги Ўзбекистон» деган иборани тилга олинаётганлиги албатта, мамлакатимиздаги ўзгаришларга берилаётган муносиб баҳодир. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, Янги Ўзбекистон – бу «Халқ манфаати ҳамма нарсадан улуғ» деган эзгу ғоя амалий ишлар билан ўз тасдиғини топаётган замондир.¹ Албатта, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва янгиланишлар мазкур улуғвор эзгу тамойил асосида амалга оширилмоқда. Бугун Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб

¹ **Шавкат Мирзиёев.** Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: «O'zbekiston» нашриёти, 2021. 27-б.

обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакат сифатида ўзининг гўзал қиёфаси билан тобора нуфузи ошиб бормоқда. Айниқса, мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ҳар кимнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги муҳим ислоҳотлар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Эътиборли жиҳати мамлакатимизда аввало инсон, кейин эса, жамият ва давлат манфаати барча ҳаракатларимиз асосини ташкил этиб, ҳаётимизда «Давлат – инсонлар учун» деган халқчил ғоя, изчиллик билан ривожланиб бормоқда.

Бугунги кунда жамиятимизда инсон ҳақ-ҳуқуқлари унинг қадр-қиммати ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш тамойили, ислоҳотларимиз стратегиясини ташкил этмоқда. Зеро, Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, адолатли ва халқпарвар давлат қуриш ғояси, улуғвор мақсад сари дадил одимлаётган мамлакатимизда халқимизни янгидан-янги буюк мақсадларни амалга оширишга замин яратмоқда.

Мамлакатимизда ўтган беш йил давомида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд қарор қабул қилинди. Шу ўринда, ижтимоий сиёсат мамлакатимизда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

Мазкур рисолада мамлакатимизда Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясида бош мезон этиб белгиланган «Инсон қадри учун» деган тамойил ҳар бир инсонни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, одамларни рози қилиш, муносиб турмуш шароитини яратиш борасидаги маълумотлар ўрин олган. Рисола мамлакатимиздаги зиёлилар, тадқиқотчилар ҳамда маънавият фидойилари фаолиятида фойдаланиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.



ЎЗБЕКИСТОН – ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Бугун юртимизда олиб борилаётган жадал ислохотлар ўзининг кўлами, шиддати ҳамда кенг қамрови билан нафақат юртдошларимизни балки, хорижлик сиёсатчи ва мутахассисларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Ўтган тарихан қисқа даврда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган янгиланиш ва ислохотлар ҳақида сўз кетганда жаҳон ҳамжамияти томонидан юртимизга нисбатан «Янги Ўзбекистон» деган иборани тилга олинаётганлиги албатта, мамлакатимиздаги ўзгаришларга берилаётган муносиб баҳодир.

Бу ҳақда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, Янги Ўзбекистон – бу «Халқ манфаати ҳамма нарсадан улуғ» деган эзгу ғоя амалий ишлар билан ўз тасдиғини топаётган замондир.¹ Албатта, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва янгиланишлар мазкур улуғвор эзгу тамойил асосида амалга оширилмоқда. Бугун Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакат сифатида ўзининг ижобий қиёфаси билан тобора нуфузи ошиб бормоқда. Дарҳақиқат, мана шундай ўзгаришларни кўриб, беихтиёр юртдошларимизнинг бахтли яшаши учун қилинаётган эзуликлар ҳар бир юртдошимизнинг қалбини қувонтирмоқда.

¹ **Шавкат Мирзиёев.** Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: «O'zbekiston» нашриёти, 2021. 27-б.

Бу эса, юртдошларимизнинг ҳақиқий ҳаёт қувончини кўриб, эртанги кунга бўлган ишончини кўзларидаги масрурлик, тилларидаги шукроналикни кўриб, юрагимиз чексиз ғурурга тўлади.

Бугун юртимизда инсоннинг қадри, эркинлиги, бахт-саодати, тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, инсонийликнинг барча тамойилларини юзага чиқариш учун улкан шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Инсон ва унинг бахт-саодатига хизмат қилиш, халқ манфаатлари ҳақида ғамхўрлик қилиш инсонпарварликнинг асосий мезонига айланиб бормоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар замирида Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажариш, «Инсон қадри учун» деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш, инсон қадри ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечирishi давлатимиз сиёсатининг асосий мезони сифатида намоён бўлади.

Юртимизда амалга оширилаётган халқчил ислохотларга хайрихоҳлик ва қатъий ишонч ўзининг ҳосили ва самарасини бермоқда. Мана шундай эзгу ишларни рўёбга чиқариш мақсадида мамлакатимизда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди. Мазкур муҳим концептуал ҳужжатда ислохотларимизнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон қилиб олинди. Ушбу стратегияда юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари энг олий қадрият этиб белгиланди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси мамлакатимиз миллий ривожланишининг янги босқичини бошлаб бермоқда. Шу ўринда, Ўзбекистон ўзини мил-

лий тараққиётнинг янги давридаги фаолиятини «инсон – жамият – давлат» деган янги тамойил асосида ташкил этиш давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилди. Мухтасар қилиб айтганда, амалий натижа, инсон манфаати, унинг кадр-қиммати мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсадига айланди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, кейинги 5 йил мобайнида мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган тизимли ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган давр мобайнида ижтимоий ҳимоя ва доимий ёрдамга муҳтож шахслар билан ишлаш ва ҳал этишнинг мутлақо янгича ўзига хос тизими яратилди. Айниқса, мана шу мақсадда «темир дафтар», «аёллар дафтари», «ёшлар дафтари», «маҳаллабай» ва «хонадонбай» ишлаш усуллари жорий этилиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатилаётганини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Шу билан бирга, мамлакатимизда кексалар, ногиронлар, оғир аҳволга тушиб қолган инсонларни кўллаб-қувватлаш, уларга меҳр ва мурувват кўрсатиш каби инсонпарварлик тадбирлари тобора такомиллашиб бормоқда. Шулар қаторида, халқимиз фаровонлиги ва муносиб турмуш тарзини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган «Обод кишлоқ», «Обод маҳалла», «Беш муҳим ташаббус», «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар – келажагимиз» каби дастурлар ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва диний эркинлар соҳасида амалга ошираётган ислохотлари дунё миқёсида эътирофга сазовор бўлмоқда. Айниқса, мамлакатимизда кейинги йилларда жинойт содир этган

шахсларни афв этиш бўйича 10 га яқин фармон қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинди. Шу билан бирга, жиноий қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган маҳкумларни афв этиш ва уларни эркин ҳаётга қайтариш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жиноят йўлига адашиб кириб, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган фуқаролар Ёшлар иттифоқи, маҳаллалар ва хотин-қизлар қўмиталарининг кафилиги билан жазодан озод қилинган бўлса, мазкур ишларнинг ижобий давоми сифатида 2019 йилда Жаслик қўрғонидаги жазони ижро этиш колониясининг ёпилиши давлатимиз ана шундай инсонпарвар сиёсатнинг амалий намунаси сифатида дунё эътирофига сазовор бўлган эди.

Айниқса, озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий суғурта тўлаш тартиби биринчи марта амалиётга киритилиб, манзил-колонияларда жазони ўтаётган пенсия ёшидаги маҳкумларга пенсия пуллари тўлаб берилди. Бу эса ушбу тоифадаги фуқароларнинг Конституциямизда белгиланган пенсия олиш ҳуқуқини таъминлаш йўлида қилинган дастлабки қадам эканлигини айтиб ўтиш лозим. Бу борадаги ишларнинг ижобий натижаси сифатида 2019 йилда «Меҳр-1» ва «Меҳр-2» инсонпарварлик тадбирларини муваффақиятли амалга оширилганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, мазкур тадбирларда Яқин Шарқдаги қуролли можаролар майдонидан, Афғонистондан 261 нафар фуқаро, асосан, аёллар ва болалар юртимизга қайтариб олиб келинган бўлса, 2020 йилнинг декабрь ойида «Меҳр-3» тадбири давомида Сурядан 25 нафар аёл ва 73 нафар болалар олиб келинган эди. Ушбу йўналишдаги тадбирлар давомида

2021 йилда амалга оширилган «Меҳр-4» операциясида эса 24 нафар фуқаро Афғонистондан Ўзбекистонга қайтарилган бўлса, «Меҳр-5» операцияси натижасида Суриядаги уруш кетаётган «қайноқ нуқталарга» бориб қолиб, «Ал-Ҳол» лагерида 3 йилдан ортиқ вақт давомида ушлаб турилган 24 нафар аёл ва 69 нафар бола Ўзбекистонга қайтарилди. Ушбу инсонпарварлик тадбирлари доирасида ўтказилган «Меҳр» операциялари давомида 531 нафар фуқаро Ватанимизга қайтариб олиб келиниб, уларга зарур бўлган тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимизда кейинги 5 йил давомида суд-тергов соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар халқимизнинг ҳуқуқ манфаатларини таъминлаш йўлида ўзининг ижобий самарасини намоён этмоқда. Айниқса, бу борада амалга оширилган ишларга назар ташлар эканмиз, 2021 йилда мамлакатимизда 4 мингдан ортиқ шахс суд залидан озод қилиниб, 8 мингга яқин фуқарога нисбатан асосиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилиб, 859 нафар шахс оқлангани мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-тергов соҳасидаги ислохотларнинг ижобий натижаси эканлигини аниқлатади. Мазкур соҳадаги чуқур ислохотлар натижасида Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йилнинг 19 мартдаги «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармони билан яна 140 нафар фуқаро афв этилди.

Ана шундай саъй-ҳаракатларнинг манتيқий давоми сифатида халқимизга хос кечиримлилик, бағрикенглик ва олижаноблик тамойилларига риоя этган ҳолда билиб-билмай жиноят содир этган, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, қатъий тузалиш йўлига ўт-

ган шахсларга нисбатан Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2021 йил 7 декабрь яъни асосий қомусимиз Конституция куни арафасида яна бир фармонга имзо чекди. Мазкур фармонга кўра, шу тоифага мансуб 182 нафар шахс муддатидан олдин озод қилиниб, эркин ҳаётга қайтарилаётганлиги бу мамлакатимизнинг инсонпарварлик борасидаги сиёсатининг ижобий намунасидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жазони ижро этиш колониялардаги маҳкумларга нисбатан ижтимоий адолат тамойилига риоя этган ҳолда давлатимизнинг юксак инсонпарварлик сиёсатидан келиб чиқиб, маҳкумлар томонидан молиявий муҳтожлик туфайли такроран жиноят содир этишнинг олдини олиш мақсадида фуқароларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш учун «дастлабки ёрдам пакети» тизими жорий этилиши ўзининг аниқ тадбиркорлик лойиҳасини тақдим этган, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган собиқ маҳкумларга Пробация хизматини ривожлантириш жамғармасидан 10 миллион сўмгача бир марталик моддий ёрдам берилиши Президентимиз томонидан амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин намунаси эканлигини англатади.

Шу билан бирга мазкур ижобий ишларнинг бевосита давоми сифатида Ўзбекистонда яшаб келган фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини берилишидир. Ўтган 1991 йилдан 2016 йил декабргача бўлган давр мобайнида мамлакатимизда 482 киши Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган бўлса, 2016 йил декабрдан 2020 йилгача бўлган муддатда бундай шахслар 15 минг нафарни ташкил этди.

Шу ўринда, 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистонда яшаб келган 50 минг нафар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинishi бу борада мамлакатимизни БМТнинг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига муносиб жавоб десак, асло муболаға бўлмайди.

Кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг бир қатор соҳаларда эришган ютуқ ва натижалари дунё эътирофига сазовор бўлаётганлиги барчамизни беҳад қувонтираётгани шуҳбасиз. Бу ҳақда «Medium» халқаро интернет нашрида «Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс пойдеворига инсонпарварлик ва илм-фан асос бўлади» мавзусида берилган мақолада жаҳон ҳамжамияти сўнги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотларда дунё сиёсатидаги янги тўлқинни кўраётганлиги бир қатор хорижий эспертлар томонидан алоҳида эътироф этилаётгани диққатга моликдир.

Мақолада муаллиф АҚШлик олим Эфорим Гурмфаннинг Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб, ўз сиёсатида халқини келажакда эмас бугундан бошлаб яхши яшаши керак деган ғояни илгари сурди¹, дея таъкидлаши билан бир қаторда Ўзбекистоннинг ҳозирги сиёсати бошқа кўплаб халқаро эксперт томонидан ҳам эътироф этилаётганлигига эътибор қаратиб ўтади. Зеро, Ўзбекистондаги мисли

¹ **Зухра Мирзобоева.** Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс пойдеворига инсонпарварлик ва илм-фан асос бўлади. Ўзбекистон хорижий ОАВ ва ёзувчилар нигоҳида https://uza.uz/uz/posts/horizhiy-nashr-ozbekistonning-uchinchi-renessans-poydevoriga-insonparvarlik-va-ilm-fan-asos-boladi_285799

кўрилмаган ўзгаришлар халқпарвар сиёсатнинг янада кенг тус олиши ўз навбатида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилишини англатади. Бу эса, Янги Ўзбекистоннинг амалга ошираётган инсонпарварлик сиёсати замирида ўз халқи ва фуқароларини рози қилиш давлатнинг ўз олдига қўйган улуғ мақсади эканлигини теран англаш лозим. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев: «инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган бундай ислохотларимиз буюк Алишер Навоий бобомизнинг битта кўнгли ўксик одамни хурсанд қилиш – Каъбани обод этиш билан баробар, деган теран маъноли сўзларига, меҳр-оқибат, саховат ва олижаноблик каби фазилатларни доимо қадрлаб, улуғлаб яшайдиган халқимизнинг орзу-интилишларига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир»¹. Зеро, ўзининг юксак инсоний фазилатларига эга жонажон Ўзбекистон халқи ва фуқаролари ҳамиша ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида эканлиги барча юртдошларимизни улуғ мақсадлар сари дадил одимлаётган Янги Ўзбекистонни биргаликда бунёд этишга мунтазам даъват қилиши юртдошларимиздан теран фикрлашни тақозо этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон» газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda>.



МАЪНАВИЯТ – ҚАЛБ НАЖОТКОРИ

Тарихдан маълумки, инсоният тараққиётининг ривожланиш босқичида маънавият соҳасига ҳамиша долзарб масала сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинган. Аслини олганда, маънавият инсонни ўзлигини англатувчи бетакрор мўъжизавий куч-қудратга эгадир. Маънавият шундай қудратли кучдирки, у миллатимиз, халқимизни буюк ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштиришга даъват этувчи байроқдир.

Ҳозирги мураккаб бир шароитда тинчлик, барқарорликни асраш, мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар бир давлат олдида турган устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда аниқ мақсадга йўналтирилган маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш борасида самарали ишлар қилинмоқда.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш борасида жиддий фикрлашни тақозо этмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида

маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз, эмас, албатта. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида: «Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий кадриятларга асосланган кучли маънавият»¹, – дея таъкидлаб ўтди. Зеро, диёримиз ўзининг миллий кадриятлари, маданияти ривожланган юксак маънавияти билан дунё эътибори ва эътирофида бўлиб келган.

Тарихдан маълумки, диёримизда маънавият машъалини баланд кўтарган буюк алломалар етишиб чиққан. Ўзининг бой маънавий мероси билан дунёга зиё таратган Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк мутафаккирларнинг мероси халқимиз маънавиятининг юксалишига замин яратган.

Бугунги кунда жаҳон геосиёсий майдонидаги ўзгаришлар, глобаллашув жараёнларининг кучайиши ҳамда замонавий ахборот технологияларининг жадал ривожланиши жаҳонда кескин бурилиш ясамоқда. Дунёнинг турли минтақа ва давлатларида содир бўлаётган аянчли воқеалар таҳлили оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот технологиялари, жумладан, интернет тизими, ижтимоий тармоқлар ва электрон нашрлар кўп ҳолларда айрим бузғунчи кучлар қўлида турли сохта, зарарли ғоя ва мафкураларни тарғиб этишнинг қулай ва тезкор воситасига айланиб қолаётганлигини кўрсатаётир.

¹ Шавкат Мирзиёев. Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир https://uza.uz/uz/posts/shavkat-mirziyoev-jamiyat-hayotining-tanasi-iqtisodiyot-bolsa-uning-zhoni-va-ruhi-manaviyatdir_235451.

Бу каби таҳдидлар миллий ва умуминсоний қадриятларнинг емирилишига, зўравонлик, инсон тақдир, жамият ҳаётига беписандлик, масъулиятсизлик, лоқайдлик, андишасизлик, беҳаёлик каби иллатларни илдиз отишига замин яратмоқда. Натижада, одамзотнинг ўз тарихий, диний, миллий-маънавий илдизларидан узилиб қолишига сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолат, жаҳондаги кўплаб давлатларда умумий тенденцияга айланиб бормоқда. Маънавият ва маърифат башариёт фаровонлигининг асосий омили ҳисобланади. Шу боис, инсон маънавий олами, халқимиз маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш ўз навбатида жаҳон илм-фани ютуқлари ва умумбашарий тараққиётига замин яратган.

Ўзбекистон миллий тараққиётнинг янги даврига қадам қўйди. Буни барча соҳалардаги туб ўзгаришлар қатори маънавият, маърифатга бўлган муносабатларда ҳам кўриш мумкин. Айниқса, юртимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда жаҳолатга қарши курашда маърифат билан курашиш борасида улкан ишлар қилинилаётганлиги диққатга сазовордир. Бу борада, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятларининг йўлга қўйилиши мамлакатимизда муқаддас Ислом дини қадриятлари ва анъаналарини янада ривожлантиришга замин яратмоқда. Маънавий-маърифий соҳада давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар, таълим, илм-фан, маданият маърифат, аждодлар меросини ўрганиш, кадрлашга бўлаётган юксак эътибор нафақат мамлакатимиз ва минтақа аҳолиси, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам юксак эътирофга сазовор бўлмоқда.

Дунё тамаддуни бухорийлар, фарғонийлар, самарқандийлар, хоразмийлар, термизийлар, насафийлар таратган илм зиёсидан қанчалар баҳраманд бўлган бўлса, бугунги кунда ҳам бу анъана давом этмоқда, аждодларимиз қолдирган бебаҳо маънавий мерос ўз қадри ва аҳамиятини асло йўқотгани йўқ. Дунё миқёсида халқаро терроризм, радикализм, экстремизм каби чегара билмас таҳдидларнинг хавфи ортиб бораётган бир пайтда маънавият ва маърифат жаҳолатга қарши курашишнинг энг самарали воситаси сифатида тан олинмоқда.

Замон талаби, инсон учун маънавият нақадар нажоткор куч эканлигини намоён этмоқда. Зеро, ахлоқсизлик, одобсизлик, маънавий қашшоқлик инсонни тубанлик гирдобига гирифтор этиб, кенг миқёсда жамият тараққиётини издан чиқариб, парокандаликни юзага келтиради. Маънавият йўқолган жойда инсонда ҳайвоний хислатлар илдиз отиб, ёввойилик, ваҳшийлик, жаҳолат ва хурофот кучаяди. Натижада инсон ўз аслини йўқотиш орқали қадрият сифатидаги мақомидан жудо бўлади.

Глобаллашувнинг тобора шиддатли тус олиши дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарларни кучаётганлигини намоён этмоқда. Зеро, вазиятнинг кескин тус олиши ҳар қандай халқ, миллат, жамият ва давлат ҳаётида мунтазам сезгир, хушёр ҳамда огоҳ бўлиш борасида жиддий фикрлашни тақозо этмоқда.

Ўтмишдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар аввало уни ўзлиги, тарихи, маънавияти ва маданиятидан жудо қилишга алоҳида эътибор қаратишган. Ҳолбуки, маънавий жиҳатдан забт этилган ҳар қандай халқни маданий-маънавий

тараққийетини бўғиб қўйиш истилочи, босқинчи мамлакатларнинг мустамлакачилик тартибларини саклаб туриш ва мустақамлашнинг азалий, тарих синовидан ўтган анъанавий усулларидан бири бўлиб ҳисобланади. Истилочи мамлакат итоат қилдирилган халқларни бора-бора ўзига сингдириб юборишни, бунинг учун ўз мафкураси ва ғояларини уларга мажбуран жорий этиш, маданиятига раҳна солиш орқали маънавий жиҳатдан тараққий этишига йўл қўймасликни ўз сиёсатининг «асосий мақсади» сифатида эътибор қаратган.

Шу ўринда бундан 2700 йил олдин яшаган қадимги Хитой донишманди Конфуцийнинг ўз императорига: «Ҳоқоним, агар бирор мамлакатни забт этиб, у ерда узоқ ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихи маданиятидан маҳрум этинг, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралади, сизга қаршилиқ кўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идора қилиш осон кечади», – деган сўзлари эътиборга моликдир. Бинобарин, маданият ва маънавиятни барбод этиш, миллий тил, урф-одатларни тараққий этишига изн бермаслик итоат эттирилган халқни жиловда ушлаб туришнинг энг зарур ва нозик йўлларида бири эканлигини истилочи, яъни босқинчилар доимо яхши англаган. Айнан, мазкур омилларни доимо эътиборда тутган мустамлакачи ва босқинчилар Хитой донишманди айтган «маслаҳат»ни олдиндан режалаштириб қўйишади. Маънавияти ва маърифати барбод бўлган ҳар қандай халқ, миллат эътиқодсизлик гирдобига маҳкум бўлади. Шу тариқа, маънавияти издан чиққан бундай ўлкада, мамлакатда омманинг оломонлашуви, сиёсий манқуртлик, бепарволик авж олиши, оқибатда халқнинг менталитети, миллий ғурур,

ифтихор, миллий кадриятлар аста-секин заифлаша бошлайди.

Ваҳоланки, ана шундай ўлкани, мамлакатни, унинг халқини мустамлакачилик кишанларида ушлаб туриш, итоаткор кулга айлантириш анча осон ва силлик кечади. Бугун дунё шиддат билан ўзгариб бормоқда. Айниқса, мафкура полигонларида ғоявий – мафкуравий курашнинг тобора авж олиши ёшлар онги ва қалбини забт этишга замин яратмоқда. Шу тариқа, маънавий тубанлик таъсири оқибатида маданиятсизлик, эътиқодсизлик каби бир қатор «таълимотлари» ошқора баъзан эса яширин тарзда тарғиб этилмоқда. Натижада, миллий рух, миллатнинг ўзига хослиги ва унинг асрий кадриятларига раҳна солиш орқали зимдан емиришга замин яратилмоқда.

Глобаллашув шароитида инсон маънавиятига қарши йўналтирилаётган маънавий таҳдидларнинг ижтимоий намоён бўлиши муайян минтақа ва мамлакат аҳолиси онги, қалбини забт этмоқда. Натижада, мазкур иллат асл маънавий кадриятларни таназзул сари етаклаб, ҳар бир халқ ва миллатнинг ўз маданияти, маънавияти ва кадриятларини инкор этиши орқали ёшлар онгида бир-бирига мутлақо зид бўлган дунёқарашни шакллантирмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, маънавият – халқимиз ор-номусини уйғотувчи бекиёс куч, озодлик, ватанни севишга ундовчи даъваткор тугёндир. Бугунги замон шиддати ҳар қайси миллат, халқни келажакда ўзлигини сақлаб қолиш учун энг аввало, маънавият масаласига бўладиган таҳдидлардан мунтазам огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлиш борасидаги кечиктириб бўлмас асосий масаласи сифатида долзарб вазифаларни кўймоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев:

«Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждони, маънавияти бор инсон Ватанни албатта яхши кўради. Виждон, маънавият дегани – халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир. Мана шундай қараш бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан кенг ва қизғин қўллаб-қувватланаётгани маънавий тарбиянинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади»¹, – дея таъкидлаши айни ҳақиқатдир. Бинобарин, Ватан шаъни, ор-номуси учун жамият мақсад ва манфаатларини тушуниб етадиган, ҳар томонлама етук комил инсонни тарбиялашда маънавият энг таъсирчан ва кудратли қурол вазифасини ўташи давр ва замон тақозоси.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <http://uza.uz/oz/politics/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbekiston-respublikasi-musta-31-08-2019>.



ТИЛ – МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ

Она тили – миллатнинг руҳи, унинг ор-номуси, маънавий қиёфаси, орзу-умидлари бирлиги ва бирдамлигининг тимсолидир. У миллатни ягона халқ сифатида ўз атрофида бирлаштиради ва дунёда борликни таъмин этади. Ҳар бир миллатнинг ўз Ватани, оиласи бўлгани каби унинг жонажон ва бетакрор она тили ҳам бўлади. Инсон учун унинг ватани, ота-онаси, оиласи қанчалик қадрли бўлса, тили ҳам шу қадар азиз ва муқаддас бўлади. Сувсиз дарё бўлмаганидек, тилсиз миллат ҳам вужудга келмайди. Бирор миллатга мансуб бўлган тил, ўша миллат билан яшайди ва бардавом бўлади. Ота-боболаримиз қадимдан тилни асраб-авайлашган, ривожлантиришган. Инсоннинг маънавий савияси унинг тилида, чиройли нутқида намоён бўлади. Тил миллатнинг буюк бойлиги, бебаҳо хазинаси, туганмас мулкидир. Чунки миллатнинг тарихи, унинг маданий, маънавий мероси, урф-одатлари ва анъаналари унда мужассам бўлади.

Шу сабабли она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитишимиз ва авлодларга тўлиқлигича етказишимиз керак. Дарҳақиқат, тилсиз миллат ривожланмайди, тараққий этмайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 4 октябрь куни «Давлат тили ҳақида»ги (1989 йил 21 октябрь) қонуннинг 30 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисидаги қарорда ай-

тилганидек «Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир», – дея таъкидлади. Мазкур тарихий ҳужжатда ўтган йиллар давомида она тилимиз мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.

Ҳозирги кунда ўзбек тили ҳаётимизнинг барча жабҳаларида – давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқаро миқёсда ўзбек тилининг жозибаси янада ошиб, минбарлардан баралла янграмоқда. Бугунги кунда хорижда ўзбек тилига бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.

Масалан, Япониянинг 8 университети, Туркиянинг 18 университети, Американинг 8, Германиянинг 4 университети, Жанубий Кореядаги 2 университетда ҳамда Хитойдаги Миллатлар университетида ўзбек тили ўқитилади. Албатта, бу ўз навбатида ўзбек тилининг дунё ҳамжамиятида обрўсини янада ошиб бораётганлигини хорижий олимлар томонидан Она тилимизга бўлган қизиқиш кучаяётганлигини намоён этади. Шунини тан олиб айтишимиз керакки, ютуқларимиз билан бирга камчиликларимиз ҳам бор. «Давлат тили тўғрисида»-ги қонун қабул қилинганига 30 йилдан ошди. Бу давр ичида биз ўз тилимизни тўлақонли давлат тилига айлантира олмадик. Ўзбек тилини хоҳлаган одам ўрганади, хоҳламаган ўрганмайди. Бундай ҳолатда биз тилимиз обрўсини кўтара олмаимиз.

Жанубий Корея ёки АҚШга ишга кетиш учун аввал унинг тилини, тарихини ўрганиб, имтиҳон топшириб,

шу тилни билади, деган сертификатни олиб, кейингина кетамиз. Нега Ўзбекистонда яшаб, Ўзбекистон фуқароси бўла туриб, ўзбек тилини билмаймиз? Ўрганишни истамаймиз? Ваҳоланки, бутун дунёда расмий давлат тили ўрганилишга мажбур! Тўғри, Конституциямиз ва «Давлат тили тўғрисида»ги қонун фуқароларнинг она тилининг эркин қўллашینی чекламаган. Аммо, Давлат тилига бўлган ҳурмат бундай эркин ва ихтиёрий бўлмаслиги керак. Ҳеч бир ривожланган давлатда бошқа бир тил давлат тили билан баробар қўлланилмайди.

Тилнинг софлигини сақлаш учун ҳам комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим. Тилни аввало, ўзимиз, ҳар бир ўзбек, Ўзбекистон фуқароси ҳурмат қилиши керак. Яна бир нарса киши дилини хира қилади. Бугунги кунда кўплаб жамоат жойларида эътиборимизни тортадиган воқеа ёшларимиз суҳбатларида ўзбек тилига русча ёки бошқа тилларни аралаштириб гапиришади.

Бирорта япон япон тилини, бирорта турк турк тилини бузиб гапирмайди? Бошқа ривожланган давлатларда ҳам шундай. Чунки улар ўз она тилига топиниш даражасида қарайди. Биз ҳам тилга шундай муносабатда бўлишимиз керак. Бунинг учун мактабларда, олий ўқув юртларида она тилини ўқитиш ва тарғиб қилиш кучайиши, қатъийлашиши, бир сўз билан айтганда, она тилимиз кучли ҳимоя қилиниши зарур. Оммавий ахборот воситаларида ҳам тил ҳақида чиқишлар фақат «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун арафасида эмас, доимий бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Тил мулоқот вазифаси ҳам ҳисобланади. Сўз мулкнинг султони Алишер Навоий айтганларидек, «Кўнгил қулфи махзанининг қулфи тил ва қулфин калитин

сўз бил». Яъни, инсон қалбининг хазинаси тил, бу қалб хазинасининг калити сўздир. Ўзбек тилининг сўзлари шу қадар маъноли, бойки, битта маънога эга бўлган тушунчани, бир нечта сўзлар орқали ифодалаш мумкин. Масалан, биргина кўз сўзининг бир нечта маънолари бор. Биламизки, бир тушунчага тегишли сўз, бир нечта сўзлар билан ифодаланса, яъни синоним сўзлар қанчалик кўп бўлса, айти шу тил бой тил ҳисобланади. Кўплаб адибларимиз тил ҳақида ҳикматли сўзларни айтганлар ва тилни турлича таърифлаганлар. Масалан, «Тил – миллат кўзгуси», «Тил – маънавият кўзгуси», «Тил – миллатнинг бебаҳо бойлиги» ва шу кабилардир.

Шуни таъкидлаш керакки, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадамларидан бири эди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Ўзбек тилининг халқаро миқёсда обрўси ошди. «Давлат тили ҳақида»-ги қонун она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тўла намоён этиши билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратиб берди.

Олимлар ва мутахассислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ва луғатлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Мумтоз адабиётимиз намуналари, саксон мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмасини, фан, техника, саноат, маданият ва бошқа соҳаларга оид атамаларни, шеваларда қўлланиладиган сўзларни ўз ичига олган беш жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» бу борада ташланган дадил қадам бўлди.

Тил – миллат қиёфасининг бир бўлаги. Дунёдаги барча халқлар ўзининг миллий расмий тилига эга деб айтолмаймиз. Чунки бу халқнинг миллий мустақиллиги билан боғлиқ. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, бугунги кунда ҳар икки ҳафтада битта тил йўқолиб бормоқда. Бу ўз навбатида ўша тилда сўзлашувчи халқларнинг йўқолишини англатади. ЮНЕСКО вакилларининг сўзларига қараганда, қачонлардир одамлар сўзлашадиган тилларнинг сони 7 мингдан 8 минггача бўлса, бугунги кунда сайёрамизда 6 минг тил мавжуд бўлиб, уларнинг 90 фоизи йўқолиб кетиш арафасида турибди. Бу асосан цивилизация туфайли маданиятидан айрилаётган кам сонли миллатларнинг тилларидир. Бу тилларда сўзловчи аҳолининг айримлари ёзувга эга бўлса, айримлари бундан бебаҳра. Масалан, Африка тилларида сўзлашувчи аҳолининг 80 фоизи ҳамон ўз ёзувларига эга эмас. Минглаб тиллардан таълим тизимида фойдаланишнинг имконияти йўқ. Интернетдан фойдалана олмайдиган тиллар ҳақида-ку айтмаса ҳам бўлади. Чунки янги технологияларнинг ривожланиши туфайли айрим халқлар ўз тилларидан кўра замонавий тиллардан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Бугун интернет тилининг 81 фоизи инглиз тилига тўғри келади. Тўғри, авваллари ҳам тиллар пайдо бўлган, муомалада бўлиб, маълум вақтдан сўнг йўқ бўлиб кетган. Лекин ҳозиргидек тилларнинг жадаллик билан йўқолиши тарихда кузатилмаган.

Йўқолиб кетиш хавфи бўлган тилларни сақлаб қолиш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг асосий мақсади ҳам маданиятлар ва тиллар хилма-хиллигини таъминлашдан иборатдир. Чунки айнан тил туфайли халқ ва элатларнинг маданияти, урф-одатлари сақланиб қолади.

Тил – миллатнинг маънавий бойлигидир. Тил нафақат муомила воситаси – балки халқнинг маданияти, урф-одати, унинг турмуш тарзи, тарихидир. Турли халқларнинг тилларига ҳурмат эса ўз навбатида ўзаро тушунишни, мулоқотларга имконият яратади. Тилларни сақланиб қолиши учун эса бу тилларни қўллаб-қувватлаш зарурдир. Айнан тил туфайли инсоният у ёки бу халққа мансублигидан фахрланиб яшайди. Барча тилларни тан олиш ва ҳурмат қилиш тинчликнинг бирдан-бир кафолатидир. Шу сабабли ҳам ҳар бир халқ ўз тили сақланиб қолиши учун ҳаракат қилади.

Олимларнинг фикрича, тил яшаб қолиши учун унда камида бир миллион киши сўзлашиши керак экан. Бироқ бундай тиллар дунёда атиги 250 тадир. Ўзбек тили ҳам мана шу 250 танинг ичида экани қувонарли, албатта. Ана шундай ютуқлардан қувонган ҳолда, биз ўз она-тилимизни асраб-авайлашимиз, унинг нуфузини оширишимиз, гўзал ва софлигини авлодларга мерос сифатида қолдиришимиз, дунёга танитишда ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. «Тил яшаса, миллат яшайди». Агар биз ўз тилимизнинг кўркемлиги, бойлигини дунёга тараннум эта олсак, миллатимиз янада чароғон ва бирлигимиз мустаҳкам бўлади. Зеро, биз учун азиз маънавиятимиз кўзгуси бўлган тилимизни жозибасини сақлаш ва асраб-авайлашимиз ҳар бир Ватандошимизни муқаддас бурчи эканлигини англашимиз лозим.



ВАТАНПАРВАРЛИК – ЮКСАК МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ

Инсоннинг ўз халқига бўлган садоқати ва фидойилиги она Ватанини ҳимоя қилиши ҳамда уни чексиз севиши унинг ҳақиқий ватанпарварлигини англатади. Инсонни киндик қони тўкилган жой унинг учун ҳамма нарсадан улуғ ва муқаддасдир. Ватанни севиш, унинг учун жонни фидо қилиш ҳар бир инсоннинг буюк маънавий жасорати ҳисобланади. Ватан бу – Аллоҳ инояти билан ҳар бир миллат, элатга берилган бебаҳо неъматдир. Ватанпарварлик инсонлар ўртасида маънавият, меҳр-оқибат, инсоф, диёнат, адолат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

Ўз халқи ва миллати урф-одат, анъана ҳамда қадриятларини эъзозлаши, ўз юртини ҳимоя қилиши, моддий ва маънавий меросларига ҳурмат билан муносабатда бўлиши ватанпарварликнинг олий белгиси ҳисобланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: «Ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади»¹. Зеро, Ватан – муқаддас қадрият. Ватан меҳрини, Ватан сеҳрини унинг улуғворлигини таърифлашга сўз

¹ Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. 230-б.

ожиздир. Ватанпарварлик – Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг химояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолиятни англатади.¹

Ватанпарварлик – Ватанга нисбатан садоқат, унга хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилятдир.

Тарихдан маълумки, Ватан озодлиги учун курашиш масаласи алломалар асарлари ҳамда эзгу ғояларни ифода этувчи таълимотларнинг бош ғояси бўлиб келган. Муқаддас манбаларда «Ватанни севиш иймондандир», деб таъкидланади. Жонажон ватанимизга фидойи бўлиб хизмат қилиш бу ҳар бир инсондан доимо хушёр, сергак, огоҳ бўлишни тақозо этади.

Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун фидойилик туйғуси аجدодларимиздан бизгача етиб келган буюк мерос, ахлоқий қадриятдир. Ватанга муҳаббат, имонга садоқат Темур Малик, буюк саркарда Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби улут юртпарварлар, Ватан озодлиги йўлида қўлида тиғ ва туғ ила жон берган Шайх Нажмиддин Кубро, Ватан ҳажри ва доғида ёниб ўтган Бобур Мирзолар ибрати бизга юрт мустақиллиги ва халқ озодлиги йўлида азиз жонини, муборак қонини фидо қилган ватанпарвар, халқпарвар инсонларнинг муҳаббати нақадар улут, имонлари қанчалик мустаҳкам эканини яна бир бор намоён этади.

¹ Маънавият асосий тушунчалар изохли лугати. –Т.: Гафур Ғулом ННМИУ. 2010. 105-б.

Халқимизнинг тарихи, азалий қадриятлари замирида ватанпарварлик туйғусининг нақадар улуғворлик касб этишини англаш мумкин. Буюк соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатини ташқи душманлардан ҳимоя қилиш орқали мамлакат яхлитлиги ва халқнинг осойишталигини таъминлаган эди. Улуғ аллома Нажмиддин Кубро ўз мамлакатини душманлардан ҳимоя қилишда шаҳид бўлиб, юксак ватанпарварлик намунасини кўрсатган эди. Ватан тарихини билган, улуғ аждодлар меросини чуқур ўрганган ҳар бир инсон қалбида миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғулари янада жўш уриб, эл-юртга, Ватанга бўлган садоқати ортиб бораверади.

Миллат маърифатининг фидойиси Абдулла Авлоний Ватанни севиш ва уни ардоқлашни табиат ва жамиятнинг муҳим қонуниятлари сифатида таърифлайди. «Ватан. Ҳар бир кишининг туғулуб ўскан шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғулган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто, бу ватан ҳисси-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан – уюридан айирилса, ўз еридаги каби роҳат-роҳат яшамас, маишати талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг муҳаббати турар»¹.

Ватанпарварлик туйғуси инсонда қуйидаги омилларни шаклланишига хизмат қилади:

- юртимизга нисбатан ички ва ташқи хавфларнинг олдини олишда мустаҳкам иммунитет шаклланишида;
- инсонларни ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун курашда ташаббускор бўлишга;

¹ А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: «Ўқитувчи», 1992. 28-б.

- ватанни севиш, уни кўз қорачиғидек асраш, унга фидойилик билан хизмат қилишга;
- ватаннинг ўтмишига оид қадриятларни эъзозлаш, юртимизда бугунги кундаги кишиларнинг бунёдкорлик ва яратувчилик фаолияти ва маънавий салоҳиятни авлодларга етказишга;
- ватан учун жонини фидо қилган шахсларни хотирасини доимо ёд сақлаш кишиларни илҳомлантиради. Зеро, ватанга муносиб фуқаро бўлиш инсонда масъулиятни ошириб, унда миллий уйғониш руҳияти кучаяди.

Тарих кишиларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор йўлида тарбиялаб, уларда Ватанни севиб, унга садоқат билан хизмат қилиш фазилатларини руёбга чиқаради. Инсон қалбида миллат, Ватан, аждодлар руҳи олдидаги бурч ва туйғулар қанчалик чуқур жой олган бўлса, миллий маҳдудлик ўрнига миллийлик ғоялари вужудга келади. Мана шундай фазилатларга эга бўлган инсонларда курашчанлик, ташаббускорлик, ўз-ўзини англаш, миллат, Ватан шаъни ва манфаатларини ҳимоя қилишдек муқаддас туйғулар шаклланади. Ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр, муҳаббатни эътиқод ва иймон даражасига кўтариш, она-юрт тарихи, миллий мерос ва қадриятларини билиш ва эъзозлаш ҳар бир инсоннинг муқаддас ва шарафли бурчи ҳисобланади. Бугунги инсон учун маънавият нақадар нажоткор куч эканлигини намоён этмоқда. Зеро, ахлоқсизлик, одобсизлик, маънавий қашшоқлик инсонни маънавий тубанлик гирдобига гирифторматиб, кенг миқёсда эса жамият тараккиётини издан чиқариб, парокандаликни юзага келтираётганилигини намоён этмоқда.

Маънавият инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган ижобий фазилатларини намоён этувчи беқи-

ёс кучдир. Айнан, маънавият туфайли инсонда гўзал одоб-ахлоқ фазилатлари шаклланиб, инсонни жамиятдаги мавқеини белгилаб беради. Азалий қадрият сифатида маънавият инсоннинг қалб беазаги ҳисобланади. Шу боис, жамият ҳаётда маънавиятга бўлган муносабат ниҳоятда масъулият билан ёндашишни тақозо этади. Зеро, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган ориятли маънавий жасоратга эга одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни қувонтириб турсин.

Глобаллашув шароитида инсон маънавиятига қарши йўналтирилаётган маънавий таҳдидларнинг ижтимоий намоён бўлиши муайян минтақа ва мамлакат аҳолиси онги, қалбини забт этмоқда. Натижада, мазкур иллат асл маънавий қадриятларни таназзул сари етаклаб, ҳар бир ҳалқ ва миллатнинг ўз маданияти, маънавияти ва қадриятларини инкор этиши орқали ёшлар онгида бир-бирига мутлақо зид бўлган дунёқарашни шакллантирмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, маънавият – халқимиз ор-номусини уйғотувчи беқиёс куч, озодлик, ватанни севишга ундовчи даъваткор туғёндир.

Давр шиддати ҳар қайси миллат, халқни келажакда ўзлигини сақлаб қолиш учун энг аввало, маънавият масаласига бўладиган таҳдидлардан мунтазам огоҳ, сезгир ва хушёр бўлиш борасидаги кечиктириб бўлмас долзарб вазифаларни қўймоқда. Зеро, Ватан шаъни, ор-номуси учун жамият мақсад ва манфаатларини тушуниб етадиган, ҳар томонлама етук комил инсонни тарбиялашда маънавият энг таъсирчан ва қудратли қурол вазифасини ўташини бугунги давр ва замон тақозо этмоқда.



ТАРБИЯ МАСЪУЛИЯТИ

*Биз буюк тарих, буюк давлат, буюк
маданият яратган халқмиз!*

Шавкат Мирзиёев

Ўтмишдан маълумки, тарбия инсонда муайян жисмоний, рухий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиб келган. Тарбия инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган ижобий фазилатларини намоён этувчи бекиёс кучдир. Айнан, тарбия туфайли инсонда гўзал одоб-ахлоқ фазилатлари шаклланиб, инсонни жамиятдаги мавқеини белгилаб беради. Энг қадимги ва абадий қадрият сифатида тарбия инсоннинг қалб беага ҳисобланади. Шу боис, жамият ҳаётда тарбияга бўлган муносабат ниҳоятда масъулият билан ёндашишни тақозо этади. Бу ҳақда таникли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзларида теран ҳақиқат акс этганини англаймиз. Зеро, жамиятда тарбия масаласига эътиборсизлик билан ёндашув аксарият ҳолатларда инсонни маънавий тубанликлар гирдобига гирифтор этади.

Бу борада фикр юритганда Президентимиз Шавкат Мирзиёев: «Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти.

Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айна пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан», – деган фикрларини доимо ёдда тутишимиз керак. Зеро, бугунги кунда мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётини тубдан янгилашга қаратилган ислоҳотларимизнинг муҳим устувор вазифаларидан бири ҳар томонла етук баркамол авлодни тарбиялаш ва вояга етказишни тақозо этмоқда. Айнан, бугунги кунда мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида халқимизнинг мана шундай эзгу ғоялар сари дадил одимлаётганлигини теран англаш мумкин.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратиб ўтганини таъкидлаш жоиз. Бу ҳақда Президентимиз Шарқ донишмандларининг: «Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!» деган ҳикматли сўзларини мисол келтириб, замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиб бораётганини, нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун, аввало, илм-маърифат, юксак маънавият кераклигини, илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш ҳолатлари кузатилишини таъкидлаган эди.

Буюк ўтмиш ва шонли тарихга эга халқимиз дунё тамаддунида ўзининг юксак илм-маърифати ва ақл-за-

ковати билан доимо жаҳоний эътирофга сазовор бўлган. Донишманд халқимизда қиз болани парваришlash, уларга таълим ва тарбия бериш, қизларни оила ва юрт шаъни деб ардоқlash ҳамиша устуворлик касб этган. Шоирона таъбир билан айтганда Ўғил бола уйнинг, қиз бола кўнгилнинг султони ҳисобланади.

Ўрганишлар натижасига кўра, глобал миқёсда ҳар ўн нафар қиз боланинг тўққиз нафари бошланғич таълим, тўртдан уч нафари эса ўрта таълим олиши аниқланган. Иқтисодий жиҳатдан кам даромадли мамлакатларда қизларнинг 2/3 қисми бошланғич мактабда ўқийди, фақат ҳар уч қиздан бири ўрта мактабнинг юқори босқичини тугатиши маълум бўлган. Бу каби далилларни ўқиганда Ўзбекистонимизда таълимнинг бепул ва мажбурий экани, битта ўқувчининг тақдири билан ўнлаб ташкилотлар шуғулланиши, Президентимизнинг шахсан ўзлари қизларнинг таълим ва тарбиясига жиддий эътибор қаратаётгани мазмун-моҳиятини ҳар бир Ватандошимиз чуқур англаб етади.

Тарихдан маълумки, шарқ халқларида тарбия борасида улкан маънавий мерос яратилган. Бу мерос асрлар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб сайқалланиб ёш авлоднинг баркамоллигини таъминlash учун хизмат қилиб келмоқда. Мана шундай анъаналаримиздан бири аёллар, оналар, хотин-қизлар тарбиясидаги бой педагогик тажриба ҳисобланиб, қизлар тарбиялаётган оилалар миллат келажагига масъул энг катта тарбиячилар ҳисобланади. Буюк қомусий олим Юсуф Хос Ҳожиб болалар тарбиясини жуда мураккаб жараён деб тушунади. У белдан мадорни, танадан қувватни, кўздан нурни, дилдан оромни талаб қилади. Унинг таъкидлашича, агар инсоннинг ўзида гўзал фазилатлар бўлса, уларни бошқаларга ўргатиши лозим.

Ҳар бир ота-она албатта, ўз фарзандини севади. Ҳеч ким улардан ёмон ва бахтсиз инсонлар етишиб чиқшини асло истамайди. Фарзанднинг ҳар бир ютуғи ота-онанинг юрагини тоғдек кўтаради, фахр ва ғурур туйғуларини вужудга келтиради. Ота-онанинг жамиятда тутган ўрни, нуфузи, фарзанд тарбиясида катта аҳамиятга эга. Бу нарса мансаб билан белгиланмайди, энг яхши обрў ва эътибор ҳалол меҳнатдир. Ҳалол меҳнат билан жамиятда орттирилган обрў оилада фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир қилади. Фарзанд ҳам ота-оналардек бўлишга интилади. Меҳмондўст оилада ўсган фарзандлар ҳам меҳмондўст бўладилар. Қиз болани ёшлигидан бошлаб оилавий одоб-ахлоқ қоидаларига одатлантириш, яхши хулқ-атворли бўлишга ўргатиш ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний ўзининг «Ўтмиш авлодларидан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Эътиқодлар ва динлар ҳақида» каби кўпгина асарларида болаларни ахлоқий тарбиясига оид қимматли фикрларни баён этиб ўтган. Айниқса, Абу Райҳон Беруний инсон фазилатлари қимматбаҳо тошдек катта бойлик эканлигига эътиборни қаратиб, оила тутишда маънавиятнинг шароит тақозо этган тамойилларини эслатиб ўтган.

Беруний оила кураётган қизларга ота-онанинг панд насихатларини келтириб, оиладаги тинч тотувлик кўпроқ аёллар зиммасига тушишни таъкидлаб шундай ёзади: «Эй қизим! Сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга тушмоқдасан, сен бўлажак куёвининг ҳамма хислатларини билмайсан. Сен ер бўл, у эса осмон бўлади. Демак, сен у билан шундай йўл тутки, унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олижаноб бўлади. Осмон шифобахш ёмғири би-

лан ерни кўкартиргани каби ўз меҳри шавқати ила сени хушнуд этади.

Эринг сендан фақат юмшоқ ва ширинсўзлар эшитсин, ярамайдиган ва эски либосда ёки сочларинг тартибга солилмаган ҳолда унинг олдида ўтирмагин. Қизим, куёвингдан кучи етмаган ва сотиб олишга қудрати етмаган нарсаларни талаб қилмагин. Бундай қилсанг орада тотувлик йўқолади, турли хил жанжаллар пайдо бўлади. Қизим рашк қилишдан сақлангин, чунки у ажралиб кетишнинг калитидир. Эрингга ҳадеб гина (танбех) қилишни мен сенга ман этаман. Яхшиси, сен у билан хушмуомалада ширинсўзли бўлгин, бу ишинг ҳар қандай сеҳру жодудан яхшидир. Ўзингга хушбўй нарсалар билан аро бергил, покизалик ҳамиша йўлдошинг бўлсин» – деб насиҳат қилган. Шу ўринда, Беруний «Минералогия» асарида ота-оналарга насиҳат қилиб, «Болаларнинг чиройлилиги, юз кўриниши она қорнида шаклланиб ривож топади, бундан кейин уни ўзгартирадиган куч йўқ» – деб таъкидлаб ўтади.

Донишманд халқимизда фарзанднинг ёруғ дунёга келиши ва илк тарбияси билан боғлиқ жуда кўп удумлар, одатлар, расм-русумлар бор, бу соҳадаги халқ томонидан яратилган тарбиявий анъаналар мавжуд. Булардан бири илк тарбия воситалардан бўлмиш алладир. Оналик меҳридан тароватланган муқаддас кўшиқ, алланинг ҳар бир инсон ҳаётида қанчалар муҳим аҳамият касб этиши барчамизга маълум. Алла ижтимоий эстетик жиҳатдан икки вазифани бажарар экан, оватиш ва ухлатиш баробарида она ўз фарзандига меҳру муҳаббатини, қалбидаги дил изҳорини, дарду аламларини, келажак орзулари ва умидларини унда кўришни истаётганини намоён этади. Алла қайси тилда жарангламасин барчанинг қалбига бирдек йўл топа ола-

ди. Жаҳон илм-фан маданиятига улкан ҳисса қўшган жаҳоний эътирофга сазовор бўлган буюк сиймолар Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий ва Алишер Навоийларнинг асарларида алланинг узоқ замонлардан бери халқимиз турмушига, болалар тарбиясига ижобий таъсири ниҳоятда муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Алишер Навоий алла айтгувчини «навоғў» деб атаган бўлса, Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарида алла «балу-балу» номи билан машҳур бўлган мустақил жанр бўлганлигини таъкидлайди. Абу Али Ибн Сино эса алланинг икки муҳим хусусияти ҳақида фикр юритар экан: «Боланинг миждозини кучайтирмақ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Биринчиси болани секин-секин тебратиш, иккинчиси эса уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб боланинг танаси билан бадантарбиясига ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил қилинади».

Бугунги кунда глобаллашувнинг тобора авж олиши тарбияга янги ва тизимли ёндашувни тақозо этмоқда. Ҳозирги пайтда дунё миқёсида кескин тус олиб бораётган шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бериш стратегик вазифа сифатида бизнинг фаолиятимизда устувор йўналишга айланмоқда. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буён ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолади». Бинобарин, аждодларимиз томонидан яратилган

маданий ва маънавий мерос, ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Хулоса қилиб айтганда миллатимиз маърифатпарвари Маҳмудхўжа Беҳбудий қайд этганидек: «Яхши тарбияланган қалб ва виждон ҳеч қачон эгасини шарманда қилиб қўймайди». Зеро, бугунги давр ва замон шиддати ҳар бир юртдошимиздан тарбия масаласида янада жиддий ва теран фикрлашни тақозо этмоқда.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Ўзбекистон – инсон қадри улуғланган юрт.....	5
Маънавият – қалб нажоткори	13
Тил – миллат маънавиятининг кўзгуси	20
Ватанпарварлик – юксак маънавий жасорат	26
Тарбия масъулияти.....	31

Илмий-оммабон нашр

МАНСУР МУСАЕВ

**ЎЗБЕКИСТОН – ИНСОН ҚАДРИ
УЛУҒЛАНГАН ЮРТ**

Тошкент «Маънавият» 2022

Мухаррир *Ислом Худойкулов*

Рассом *Шухрат Соҳибов*

Мусахҳих *Шарофат Хуррамова*

Компьютерда тайёрловчи *Шухрат Соҳибов*

Лицензия АІ №189, 10.05.2011 йилда берилган.
Босишга 22.11.2022 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 ^{1/32}.
«Таймс» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табағи 2,10. Нашр табағи 1,96. Буюртма № 22-97.
Адади 1500 нусха. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди.
100047. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома № 36–22.